2007 йил, 27 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (10.889)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 26 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ВИКТОР ЯНУКОВИЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Украина ҳукумати аъзолари ва йирик ишбилармонлардан иборат делегациянинг ташрифи мамлакатингизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги муносабатлар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммо, англашилмовчилик бўлмаган. Ўзаро ҳамкорлигимизга турли воқеалар дахл қилмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲнинг 2006 йил ноябрдаги Минск саммити доирасида Украина Президенти Виктор Ющенко билан, ўша йилнинг августида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Сочи шаҳридаги норасмий саммити чоғида Бош вазир Виктор Янукович билан учрашувларида алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашди. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида Киевда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури асосида ривожланмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичлари 2006 йилда ҳамкорлик кўлами ва суръати жадал юксалаётганидан далолат беради. Бу борадаги кўрсаткич 2005 йилда 330,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 615,3 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда қирққа яқин Ўзбекистон — Украина қўшма корхонаси, Украинадаги 12 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси очилган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 26 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси билан Украинанинг қатор илмий муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-текшириш институти билан Украинанинг бир неча тиббий муассасаси ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Киевда «Дўстлик» маданий-иқтисодий жамияти, «Ўзбекистон» ўзбек маданияти жамияти фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда эса «Славутич», «Батькивщина» украин маданияти марказлари иш юритмоқда.

2002 йили Тошкентда очилган атоқли украин адиби Тарас Шевченконинг ҳайкали ҳам ўзбек ва украин халқлари дўстлигининг ёрқин намунасидир.

В.Янукович Украина Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни икки томоннинг салоҳият ва имкониятлари даражасига кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ВА УКРАИНА ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА. УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ВИКТОР ЯНУКОВИЧНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БУ ҲАМКОРЛИКНИ КЎПЛАБ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Украина Бош вазири Виктор Янукович билан музокаралари бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Украинага ва Украина Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифлари чоғида асос солинган. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги икки ҳужжатда – 1998 йил февралидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда 1999 йил 7 октябрда имзоланган 1999-2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўзаро манфаатли муносабатларнинг узоқ муддатли стратегияси белгиланган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан бери ўтган 15 йил мобайнида 150 га яқин ҳужжат имзоланди. Бугун ҳар томонлама манфаатли Ўзбекистон — Украина алоқалари савдо-иқтисодий, маданий, илмий, таълим, туризм соҳаларида ривожланмоқда. Уларни чуқурлаштириш истиқболлари яқинда Киевда ўтказилган Ўзбекистон — Украина Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Тошкентдаги ҳукуматлараро музокараларда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Эркин савдо режимида амалга оширилаётган товар айланмаси мунтазам ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил якунларига кўра, у 615,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2005 йилдагидан 86 фоиз кўп, жорий йилнинг икки ойи давомида эса 80 миллиондан ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон хорижга катта ҳажмда қайта ишланган тайёр маҳсулот, турли юқори технологик товарлар ва механизмларни етказиб бермоқда. Жумладан, Украинага нафақат энергия манбалари ва пахта толаси, ёғ уруғлари ва мевалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балки рангли металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, хизматлар ва транспорт воситалари экспорт қилинаётир. 2002 йилдан бери Украинага «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган 10 мингдан ортиқ автомобиль сотилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Украинадан механик ускуналар, қора металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, фармацевтика маҳсулотлари, электр ускуналари, транспорт воситалари, қоғоз, каучук, резина буюмлари ва бошқа товарларни импорт қилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Мамлакатимизда 40 га яқин Ўзбекистон — Украина қўшма корхонаси рўйхатга олинган. Улар, асосан, озиқ-овқат, мебель, тўқимачилик, кимё саноати, қурилиш соҳасига ихтисослашган. Украинанинг 12 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинган. Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда, экспорт, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Музокаралар давомида томонлар барча йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирдилар. Инвестициявий ҳамкорлик кенгайтирилади, мамлакатимиздан жўнатилган юкларни Украина ҳудуди орқали транзит қилиш учун транспорт йўлакларидан янада самарали фойдаланиш бўйича ишлар давом эттирилади. Савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг бўлинмалари ва Украинанинг тегишли муассасалари, фан ва соғлиқни сақлаш соҳасига ихтисослашган бошқа ташкилотлар ўртасида ўрнатилган бевосита шериклик алоқалари доирасида икки томонлама ва халқаро илмий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш имкониятларини кенгайтиришга келишилди.

Музокаралар якунига кўра, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу куни ўтказилган Ўзбекистон ва Украина ишбилармон доираларининг бизнес-форумида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари батафсил кўриб чиқилди. Янги қўшма корхоналар, жумладан, Ўзбекистонда Украина технологиялари асосида тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси ва нефть-газ ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш белгиланди. Металлургия, машинасозлик ва бошқа тармоқлар бўйича ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланади, янги шартномалар имзоланади.

Украина делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шунингдек, меҳмонлар 2002 йилда Тошкентда ўрнатилган буюк украин шоири Тарас Шевченко ҳайкали пойига ҳам гул қўйди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Жаноби Олийлари,*

*Аввало, Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланиш шарафига муяссар бўлганим учун Сизга самимий миннатдорлик ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизнинг ажойиб мамлакатингизни зиёрат қилиш мен ва «Universum-box promotion» клуби делегацияси аъзолари учун катта шараф бўлди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчамизда унутилмас таассурот қолдирди.*

*Мен, Муҳаммад Али, Майк Тайсон, Теофило Стивенсон, Феликс Савон каби замонамизнинг машҳур чемпионлари билан яқин таниш бўлган ва умрининг 30 йилдан кўпроғини боксга бағишлаган мутахассис сифатида, Ўзбекистон янги бокс мамлакатига айланиб бораётганини доимо катта қизиқиш билан кузатиб келаман.*

*Тошкентга ташрифимиз асносида Ўзбекистонда спорт давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигига гувоҳ бўлдик. Жаноби Олийлари, дунёда боксни ривожлантиришга шахсан катта эътибор берадиган Сиздек давлат раҳбарлари кам.*

*Ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун кечган жангда Руслан Чагаев ёрқин ғалабага эришганининг асосий сабабларидан бири унинг ўз Ватани — Ўзбекистонга бўлган беқиёс муҳаббати эканини чуқур ҳис қилдим. Машқлар ва мусобақалар жадвали ўта тиғиз бўлишига қарамасдан, Руслан ҳар йили бир неча бор жонажон Андижонига бориб келишга фурсат топади.*

*Яқинда Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимиз чоғида айтилганидек, «Universum-box promotion» клуби ва шахсан ўзим Ўзбекистонда профессионал спортни ривожлантириш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Биз Ўзбекистон томонининг Тошкентда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан чемпионликка даъвогар номзодлардан бири ўртасида бокс мусобақасини ўтказишга оид жаҳоншумул лойиҳани «Universum-box promotion» билан биргаликда амалга ошириш борасидаги азми қарорини ҳам юксак қадрлаймиз. Бу ажойиб лойиҳанинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва беқиёс кўмагига боғлиқдир.*

*Биз Ўзбекистонда боксни ривожлантириш йўлида самарали ҳамкорлик ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Ҳозир Русланнинг айни куч-қувватга тўлиб, руҳий-маънавий етукликка эришган пайти. Сиз билан бўлиб ўтган унутилмас учрашув эса янги марраларни забт этишда унга улкан ғайрат-шижоат бахш этади.*

*Ишончим комилки, Руслан Чагаев ҳали узоқ йиллар ўзининг ажойиб ғалабалари билан бизни хушнуд этади, Ўзбекистон ва клубимизнинг шон-шуҳратини янада юксалтиришга хизмат қилади. Унинг номи эса жаҳон бокс тарихига олтин ҳарфлар билан битилади.*

*Камоли эҳтиром билан,*

***Клаус-Петер КОЛЬ,***
***«Universum-box promotion»***
***профессионал бокс клуби промоутери***

**2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ «БЕШИНЧИ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР МАСАЛА — БУ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШУ АСОСДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДАН ИБОРАТ», ДЕБ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР.**



*Хусусий тадбиркорлик*

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТАДИ

Албатта, тадбиркорлар сафининг кенгайиши, уларнинг иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссасининг ортиб бориши бу борада катта аҳамиятга эга. Ана шундай жамоалардан бири «Моҳир қўллар» хусусий корхонаси ўз йўналишига эга бўлиб, 40 нафар ишчи-ходимнинг саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорини топмоқда.

— Корхонамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади, — дейди корхона раҳбари Маъфура Қодирова. — Замонавий тикув ускуналари қувватидан фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашёдан бозорбоп маҳсулотлар тикамиз. Шунингдек, асосий йўналишларимиздан бири буюртма асосида мамлакатимиз рамзи ва ғурури саналган давлат байроғини тайёрлаб берамиз. Бугунги кунда тайёрлаган байроқларимизга республикамизнинг барча вилоятларидан буюртмалар бор. Ана шу буюртмалар асосида 12 турдаги байроқларни тикамиз. Албатта, бундай масъулиятли ишни бажарар эканмиз, сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки биз тайёрлаган давлатимиз байроқлари хоналарда, бинолар пештоқларида ҳилпираб турар экан, дилларда фахр туйғуларини уйғотади, Ватанга садоқат руҳини жўш урдиради.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларида, имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланишларида Президентимизнинг кейинги йиллардаги бир қатор Фармон ва Қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу борада Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, ушбу ҳужжат асосида ҳозирда «Моҳир қўллар»да ҳам 30 нафар хотин-қиз касаначилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Улар Собир Раҳимов туманидаги «Янги Себзор» маҳалласида яшовчи фуқаролар бўлиб, хотин-қизларга уйда ишлаш ҳар томонлама қулай ва фойдали саналади. Корхона касаначиларни хом ашё ҳамда имкон даражасида ускуналар билан таъминлаган.

Корхона тадбиркорларининг буюртмалари ортиб бормоқда. Бу ерда айни пайтда 36 та давлатнинг байроқлари ҳам тикилмоқда. Шунингдек, улар жорий йилда касаначилар сафини орттиришга, уйда ўтирган аёлларга қўшимча ишчи ўринлари яратишга бел боғлашган. Бунинг учун эса туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда режалар амалга оширилади. Тикув дастгоҳларининг замонавий турларини келтиришга эътибор қаратилиб, трикотаж матолардан катталар ва болаларнинг сифатли кийим-кечаклари тайёрланади. Харидорларга қулайлик яратишни назарда тутиб, корхонанинг фирма дўкони ҳам фаолият кўрсатмоқда. Корхонада янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга қаратилган эътибор эса ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА:** корхонанинг қўли гул чевари Феруза Расулмуҳамедова сифатга алоҳида эътибор қаратади.

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида 1997 йили Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ижроси муҳокама қилинди.**

**●Кеча Тошкентдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Интеллектуал мулк қонун ҳимоясида» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида уюштирилди.**

**●Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланган учрашув ўтказилди.**

**●Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши—фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

**●Урганч шаҳрида республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида оила муносабатлари, оиладаги муҳит, ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини оширишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**●Тошкент вилоятининг «Аранчи» аэродромида спортнинг эркин учар ва радио бошқарув авиамоделлари бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва чемпионати якунланди.**

**● Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юрти спорт мажмуасида республика «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Халқаро бизнес марказда Республика олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассислиги бўйича талабалари ўртасида «Иқтисодий шарҳ» журнали соврини учун бешинчи анъанавий республика танлови ўтказилди. Танлов натижалари асосида минтақавий олий ўқув юртининг энг яхши талабаси Бутунжаҳон банки томонидан таъсис этилган соврин билан тақдирланади.**

**●«Имконият—келажак» масъулияти чекланган жамияти Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Олтин лағмон» макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди. Илғор технологиялар ёрдамида бир кеча кундузда 20 тонна ундан турли макарон маҳсулотлари тайёрланаётган ушбу корхонанинг очилиши 110 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.**

### ЖАҲОНДА

**●АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси Ироқдан мамлакат ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Шу ҳафта давомида Сенатнинг ҳам мазкур қонун лойиҳасини тасдиқлаши кутилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасига кўра келгуси йил 1 апрелга қадар америкалик ҳарбийлар Ироқни тарк этади.**

**●Сербия давлати раҳбари В. Коштуница Сербия Косовога назорат қилинадиган мустақиллик ёхуд назорат этилмайдиган мухторият мақомини бериши мумкинлигини таъкидлади.**

**●Эстония чегара қўшинлари департаменти мамлакат чегарасида хавфсизлик чоралари кучайтирилганини маълум қилди. Маълумотларга кўра, май ойида турли оммавий тадбирларнинг кўпайиши муносабати билан шундай қарорга келинган.**

**●Туркия пойтахти Анқарада Эрон ва Европа Иттифоқи ўртасида Эроннинг ядровий дастури борасида музокаралар олиб борилмоқда. Унда ЕИнинг халқаро ишлар ва хавфсизлик масалалар бўйича олий комиссари Хавьер Солана ва Эрон Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Ларижоний иштирок этмоқда.**

**●Кеча Истамбулда кўп қаватли турар жой биносининг тўсатдан қулаб тушиши натижасида бир неча киши вайроналар остида қолди. Ҳозир бу ерда қутқарувчилар гуруҳи ишламоқда.**

**● Еврокомиссия ЕИнинг 34 та аъзо мамлакатини шу пайтга қадар инвестиция механизмининг янги қоидаларини жорий этмаганликда айблаб чиқди. Мазкур қоидалар иттифоқ ҳудудида ягона бозорнинг вужудга келишига катта ёрдам бериши мумкин.**

**●Украинада ўтган асрнинг энг йирик ҳалокати қурбонлари хотирланди. Кеча эрта тонгда кўчаларда минглаб одамлар қўлларида шам тутган ҳолда Чернобиль атом электр станцияси ҳалокати қурбонларини ёд этишди.**

**●Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда ноёб жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Шифокорлар 13 ойлик камерунлик сиам эгизакларини ажратиб олишди. Бунинг учун 65 нафар мутахассис 16 соат вақт сарфлашди. Операция жараёнида кичкинтойларнинг умумий кўкрак қафаси, жигари, йўғон ва ингичка ичаклари ва оёқлари ажратилган.**

